

9-20-2019

## IMPORTANT TRENDS IN THE APPLICATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION

Lola Nazarova Senior teacher of the Department of Humanities and Economics  
*Turin Polytechnic University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Nazarova, Lola Senior teacher of the Department of Humanities and Economics (2019) "IMPORTANT TRENDS IN THE APPLICATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 57.  
DOI: 10.36078/987654372  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/57>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Лола Назарова

Турин политехника университети Гуманитар ва иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

### ОЛИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШДАГИ МУЎХИМ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

#### АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда ахборот технологиялари инсоният ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида асосий ўринга эга. Бу ўзгаришлар турли соҳаларнинг ривожланиши, инсонларнинг касбий ва шахсий ўсиши каби ижобий натижаларга олиб келмоқда. Жумладан, таълимда ҳам ахборот коммуникатив технологияларнинг аҳамияти катта. Бу борада юртимизда Президент қарор ва фармойишлари, олий таълим вазирининг буйруқлари қабул қилинган. Олий таълим муассаларида таълим жараёнига “Moodle электрон таълим тизими”ни жорий этилиши, онлайн курслари ташкиллаштирилиши, аралаш (blended) курсларни татбиқ этилиши, очиқ ресурсли (MOOC – Massive Open Online Course) курсларни фаолият олиб бориши мамлакатимизда рақамли технологияларни таълим соҳасини ривожлантираётганлигига яққол мисол бўла олади. Таълим олувчиларнинг халқаро миқёсда ҳаракатланиши, маълумотларни излаш ва саралаш, исталган жойда ва вақтда билим олиш ва бошқа кўпгина афзалликлар рақамли технологияларни таълимда қўллашни қулай эканлигидан далолат беради. Замонавий технологияларнинг таълим олиш ва ўқитишда таълим берувчи ва ўрганувчининг фаолиятини энгиллаштириш, жараёни қизиқарли қилиш, баҳолаш, ахборотларни саралаш, бошқариш, маълумотларни бирлаштириш, мулоқот қилиш, улар ва ота-оналар орасидаги алоқаларни ривожлантириш, ўқитувчиларро ҳамкорлик, касбий ривожланиш каби маълум мақсадлари мавжуд. Таълим соҳасидаги бу тенденциянинг вазифаси нафақат таълим берувчи ва ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш ва ахборот техноло-

## Lola Nazarova

Senior teacher of the Department of Humanities and Economics, Turin Polytechnic University

### IMPORTANT TRENDS IN THE APPLICATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION

#### ABSTRACT

These days information technology has held a firm place in all aspects of human life and activity. These tendencies are leading to positive changes, such as the development of various fields, professional and personal growth of people. Likewise, information and communication technologies have already been able to find important place in education as well. On this occasion, there have been adopted several Presidential and higher education ministry decrees in our country. The introduction of Moodle Electronic Education System, the organization of online courses, the introduction of blended courses, the open-source (MOOC-Massive Open Online Course) courses in higher education institutions are examples of the development of digital technology in education. The possibility of students mobility in the internet, search and retrieval of information, to study at any place and time, and many other advantages make learning and teaching comfortable. Modern technology has specific goals such as facilitation of learning and teaching instructional and learning activities, making a learning process interesting, assessment, managing information, combining data, communicating, developing relationships between a teacher-learner and parents, and facilitating professional collaboration and professional development. The objective of this trend in education is not only to educate students and to increase students' computer literacy and information technology, but also to encourage independent and creative thinking and self-expression of learners. According to UNESCO and NMC Horizon Media Consortium report, digital literacy has become an

гияларидан мақсадли фойдалана олиши, балки ўрганувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга, ўз фикрини намоён қила олишга ундайди. Бу борада ЮНЕСКО ва NMC Horizon медиа консорциумининг ҳисоботига асосан рақамли саводхонликнинг таълимнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини сабаби сифатида унинг таълим олувчида ҳаётий малакаларни шакллантира олиши, талабанинг келгусида иш билан таъминланишида, таълим олишини ўзи мустақил ва узлуксиз таъминлай олиши қайд этилган.

**Калит сўзлар:** АКТ, рақамли технологиялар, рақамли манбалар, Moodle, онлайн курслар, рақамли саводхонлик, ижодий фикрлаш, аралаш курслар.

## КИРИШ

Олий таълим тизимини ислоҳ этишда компьютер саводхонлигини ошириш, информацион, рақамли технологияларни кенг қўллаш, онлайн ресурсларни ривожлантириш учун қатор имкониятлар яратилмоқда. Бугунги кунда таълим билан боғлиқ барча инновацион ташаббуслар, энг замонавий ва самарали инновацион технологияларни кенг қўллашни назарда тутмоқда. Нафақат юртимизда, балки дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида ҳам таълим бериш тўғридан-тўғри технологияларни, шу жумладан рақамли технологияларни ривожлантириш билан боғланиб келинмоқда. 1980–1995 йиллар давомида таваллуд топган ва талабалар сафида бўлган ёшлар орасида ўтказилган сўровномага кўра, 2008 йили 57%и таълим олиш учун АКТдан фойдаланишини билдирган бўлса, 2012 йилга келиб ўхшаш сўровнома натижаси кўра, 97% ёшлар таълим олишда АКТдан фойдаланишларини тан олганлар.

## НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Замонавий технологияларни ҳаётга татбиқ этиш борасида мамлакатимизда ҳам бир қанча ғоялар амалга оширилмоқда, турли тизимлар фаолиятларига ахборот коммунақция технологияларини жорий этиш ва уларни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва буйруқлари чиқди. Булардан бири, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 30 декабрдаги 526-сон буйруғига асосан, Олий таълим муассасаларида таълим жараёнига “Moodle электрон таълим тизими” жорий этилди. Бу тизимнинг олий таълимда рақамли технологияларни қўллашдаги катта қадами ҳисобланади.

Мавзуга чуқурроқ киришдан аввал, рақамли саводхонликни ошириш орқали таълимда технология имкониятларини кенг қўллашнинг баъзи афзаллик-

integral part of education aiming to shape lifelong learning skills of students, which can assist them later to be employed and to continue education independently.

**Key words:** ICT, digital technology, digital resources, Moodle, online courses, digital literacy, creative thinking, blended learning.

ларини санаб ўтсак:

- 1) таълим олувчиларнинг халқаро миқёсда ҳаракатланишини (мобилликни) орттиради;
- 2) нафақат талабалар, балки ўқитувчилар ҳам битмас-туганмас маълумотлар, шу жумладан умумтаълим йўналишлари ҳамда соҳадаги энг сўнгги маълумотлар оламига кириб боради;
- 3) муҳими керакли маълумотларни излаб топишга ва саралашга бир неча сонияларнинг ўзи кифоя қилади;
- 4) таълим олиш фақат аудиторияда чекланиб қолмасдан, балки исталган жойда, исталган вақтда билим олиш имкони ошади;
- 5) бир жойда ўтирган ҳолда дунёнинг исталган бурчагидаги энг нуфузли университетлар ва кутубхоналардаги илмни ўргана олади;
- 6) тармоқ яратиш имконияти, яъни бирор баҳс-мунозарани ташкил этиш ёки янги фикрларни ривожлантириш мумкин бўлган ҳолда бунинг учун керакли муҳитни яратади;
- 7) тадқиқот ўтказиш имконияти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, сўровнома ва эксперимент ўтказиш имкониятларига эга бўлади;
- 8) олинган билимларни қўллай олиш имконияти, янги билимни ярата олиш, конкретлаштириш, дастурлаш, бошқаларга етказа олади;
- 9) рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали талабаларда мустақил таълим олиш, креативлик, ишни режалаштириш, танқидий фикрлаш, муаммони ҳал қилиш каби XXI асрда муҳим ҳисобланган малакаларни оширади;
- 10) касбга доир ижтимоий алоқалар ўрнатиш ва энг муҳими янги мазмунни биргаликда ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Таълим берувчилар ёш авлод учун “намуна” ҳисобланадилар. Улар таълим бераётган барча ўрганувчилар рақамли технологиялар жамиятида фаол иштирок эта олишлари учун ўқитувчиларнинг рақамли технологиялардан фойдаланишни билишлари муҳим. Жамият фуқароси сифатида, таълим берувчилар шахсий ва касбий малакаларини ривожлантиришда рақамли технологиялар саводхонлигига эга бўлишлари муҳим. “Намуна” сифатида эса улар ўрганувчиларга ўзларининг рақамли технологиялар бўйича билимларини кўрсата олишлари ва бу замонавий ўқитиш технологияларининг ижодий ва танқидий фикрлашларини ривожлантириш борасида ишлатишларини етказишлари муҳим.

Бироқ таълим берувчилар нафақат “намуна”дирлар, балки улар биринчи навбатда таълим воситачилари ёки ўқитувчилардирлар. Мутахассис сифатида ўқитувчилар рақамли технологияларни ҳаёт ва ишларида татбиқ этиш билан бир қаторда, замонавий технологияларни таълим бериш жараёнида ҳам самарали ишлатишни билишлари муҳим. Ўқитувчиларнинг таълим беришда рақамли технологиялардан фойдаланишларида бта йўналиш мавжуд:

### **1. ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОК**

Ташкилий мулоқот. Ўқувчилар, ота-оналар ва таълим жараёнига алоқаси бор бошқа шахслар билан ташкилий мулоқотни ривожлантириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш. Ташкилий алоқа стратегияларини ҳамкорликда

ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳисса қўшиш (Moodle электрон таълим тизими орқали).

Профессional ҳамкорлик. Рақамли технологиялардан бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишлаш, билим ва тажрибаларни ўртоқлашиш ва алмашиш, ҳамда педагогик амалиётларни биргаликда такомиллаштириш мақсадида фойдаланиш. MOOC (Massive Open Online Courses) электрон курслари бунга мисол бўла олади.

Рефлексив амалиёт. Ўқитувчи ўзи ва жамоадагиларнинг рақамли педагогик фаолиятларига алоҳида ва жамоавий тарзда баҳолаш ва фаол ривожлантириб бориш (Moodle электрон таълим тизимидаги Portfolio қисмида).

Рақамли узлуксиз касбий ривожланиш. Узлуксиз касбий ривожланиш учун рақамли манбалардан ва ресурслардан фойдаланиш.

## **2. РАҚАМЛИ МАНБАЛАР**

Рақамли манбаларни танлаш. Таълим бериш ва олиш учун рақамли ресурсларни аниқлаш, баҳолаш ва танлаш. Манбаларни танлашда ва улардан фойдаланишни режалаштиришда ўзига хос таълим мақсади, контексти, педагогик ёндашуви ва ўқувчилар гуруҳларини назарда тутиш.

Рақамли манбаларни яратиш ва ўзгартириш. Мавжуд бўлган очик лицензияли ва фойдаланишга рухсат этилган бошқа манбаларни ривожлантириш. Янги рақамли таълим манбаларни яратиш. Рақамли манбаларни яратишда ва улардан фойдаланишни режалаштиришда ўзига хос таълим мақсади, контекст, педагогик ёндашув ва ўқувчилар гуруҳини назарда тутиш.

Рақамли манбаларни бошқариш, ҳимоя қилиш ва алмашиш. Рақамли контентни ташкил қилиш ва уни ўқувчиларга, ота-оналарга ва бошқа ўқитувчиларга тақдим этиш. Махфийлик ва муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилиш. Лицензияланган ва фойдаланиш рухсат этилган таълим манбаларидан тўғри фойдаланиш.

## **3. ТАЪЛИМ БЕРИШ ВА ЎРГАНИШ**

Таълим бериш. Таълим бериш жараёнида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида рақамли қурилмалардан фойдаланиш. Таълимнинг янги форматлари ва педагогик услубларини синаб кўриш ва ривожлантириш.

Йўналтириш. Ўқув жараёни давомида ва ташқарида ўқувчилар билан яқка ҳолда ва гуруҳда ўзаро алоқаларни кучайтириш мақсадида рақамли технологиялар ва хизматларидан фойдаланиш. Улардан ўз вақтида ва мақсадли йўл-йўриқ ва ёрдам кўрсатиш учун фойдаланиш ва шу мақсадда таълимнинг янги формаларини шакллантириш ва синаб кўриш.

Ҳамкорликда ўрганиш. Рақамли технологияларни ўқувчиларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ишлатиш. Ўқувчиларни рақамли технологиялардан ҳамкорликда бажариладиган вазифаларни бажариш учун жалб қилиш ва ўзаро алоқаларни ўрнатишда фойдаланиш. Ўзаро ҳамкорликни шакллантириш ва ҳамкорликда таълим олиш (Moodle электрон таълим тизимидаги Chat Room, Debate қисмларида).

Таълим олишни бошқариш. Рақамли технологиялардан таълим олишни

бошқара олиш жараёнида фойдаланиш: ўқувчилар олаётган билимларини режалаштириш, ўрганган билимларини текшириш, ютуқларига гувоҳ бўлиш, тушунчаларни ўртоқлашиш ва ижодий ечимларни тақдим этиш (Moodle электрон таълим тизимидаги Portfolio қисмида).

#### **4. БАҲОЛАШ**

Баҳолаш стратегияси. Рақамли технологиялардан таълим жараёнида жорий ва якуний баҳолашда фойдаланиш. Баҳолаш шакллари ва ёндашувларининг хилма-хиллиги ва мувофиқлигини ривожлантириш.

Асосларни таҳлил қилиш. Ўқувчиларнинг фаолияти, ривожланиши ва ютуқлари бўйича рақамли асослар яратиш, саралаш, ижодий таҳлил қилиш ва изоҳлаш.

Хулоса бериш ва режалаштириш. Ўқувчиларга мақсадли ва ўз вақтида хулоса бериш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш. Фойдаланилган рақамли технологиялар асосланган таълим бериш стратегияларини мослаштириш ва рағбатлантириш. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига берилган хулосаларни тушунишларига имкон яратиш ва улардан кейинчалик қарор қабул қилишда фойдаланиш (Moodle электрон таълим тизимидаги Feedback қисмида).

#### **5. ЎҚУВЧИЛАРГА ИМКОН ЯРАТИШ**

Рақамли манбалардан фойдаланиш ҳуқуқи ва аъзо бўлиши. Рақамли технологияларни қўллашда фойдаланувчиларнинг тахминларини, қобилиятларини, тушунмовчиликларни, шунингдек, контекстли, жисмоний ёки когнитив чекловларни ҳисобга олиш ва уларга жавоб бериш.

Фарқлаш ва шахсийлаштириш. Рақамли технологиялардан ўқувчиларнинг турли даражада ва тезликда таълим олиши ва индивидуал таълим йўллари ва мақсадларига мослаштириш орқали уларнинг турли таълим эҳтиёжларига қаратиш учун фойдаланиш.

Ўқувчиларни жалб қилиш. Рақамли технологиялар орқали ўқувчиларнинг фаоллигини ва ижодий иштирокини таъминлаш. Замонавий технологиялардан ўқувчиларнинг трансверсал маҳоратларини ошириш, педагогик стратегияларни қўллаш, чуқур ўйлаш ва ижодий фикрлаш учун фойдаланиш. Ўқувчиларни амалий, илмий ва мураккаб муаммоларни ечишга жалб қиладиган билим олишнинг янги, замонавий контекстларни очиш ёки мураккаб мавзулар муҳокамасида ўқувчиларнинг фаол иштирокини ошириш.

#### **6. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

Ўқувчиларнинг таълим олиш эҳтиёжларини аниқлашни талаб қиладиган таълим фаолияти, топшириқ ва баҳолаш тизимларини яратиш; рақамли манбаларни ва ахборотларни топиш; ахборотларни тартибга солиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш, ахборот ва манбаларни эҳтимоллиги ва ишончлилигини солиштириш ва танқидий баҳолаш.

Рақамли муҳитда алоқа ва ҳамкорлик. Ўқувчиларнинг бир-бирлари ва ўқитувчи билан алоқа ва ҳамкорлик қилишлари, фуқаролик иштироклари учун рақамли технологиялардан самарали ва масъулиятли фойдаланишни талаб қилувчи таълим фаолияти, топшириқ ва баҳолаш тизимларини яратиш.

Рақамли контент яратиш. Рақамли воситалар орқали фикрларини ифода этишни ва турли форматларда рақамли контентни ўзгартириш ва яратишни талаб этадиган таълим фаолияти, топшириқ ва баҳолаш тизимларини яратиш. Ўқувчиларга муаллифлик ҳуқуқи ва лицензияларнинг рақамли контентга қандай қўлланишини, манбаларга ва атрибутлар лицензиясига қандай муурожаат қилиш кераклигини ўргатиш.

Масъулиятли фойдаланиш. Рақамли технологиялардан фойдаланиш давомида ўқувчиларнинг жисмоний, психологик ва ижтимоий фаровонлигини кафолатлаш чораларини кўриш. Ўқувчиларнинг рақамли технологиялардан хавфсиз тарзда ва масъулиятли фойдаланишини ва хатарлардан огоҳ бўлишни таъминлаш.

Рақамли муҳитда муаммо ечиш. Ўқувчиларнинг техник муаммони аниқлаш ва ечим топиш ёки технологик билимларни ижодий тарзда янги шароитга ўтказиш учун зарур бўлган таълим фаолияти, топшириқ ва баҳолаш тизимларини яратиш.

Сўнги йилларда оддий компьютер билан ишлашдан фарқли ўларок, нафақат таълим, тиббиёт, иқтисод каби соҳаларда, балки ижтимоий-кундалик соҳаларда кенг қўлланиб келинаётган рақамли технологиялар дунёси ҳақида гапириш тенденцияга айланиб бормоқда. Бу борада таълим олувчилар ва таълим берувчиларда рақамли технологиялар саводхонлигини ошириш таълимнинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда. Ўқиш ва ёзиш қобилиятига ишора қилган оддий саводхонликдан компьютер саводхонлигига ва эндиликда ўз ичига, ўқиш, ёзиш, санаш каби оддий кўникмалардан тортиб, технологик, ахборот саводхонлиги ва ҳатто ярата олиш каби қобилиятлар қамраб олган рақамли (технология) саводхонлик илгари сурилмоқда.

Рақамли технологиялар саводхонлиги – барча иқтисодий ва ижтимоий тармоқлар учун зарур бўлган ахборотни олиш, саралаш, бошқариш, маълумотларни бирлаштириш, мулоқот қилиш, баҳолаш, рақамли технологиялар ва иловалар ёрдамида янги маълумотларни хавфсиз ярата олиш каби қобилиятларни назарда тутати. ЮНЕСКОнинг таълимда информацион технологияларни жорий этиш бўлими рақамли саводхонликнинг таълимнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганининг сабаби сифатида унинг таълим олувчида ҳаётий малакаларни шакллантира олиши, талабанинг келгусида иш билан таъминланишида, таълим олишини ўзи мустақил ва узлуксиз таъминлай олишидадир деган фикрни илгари суради.

NMC Horizon медиа консорциуми 2017 йил бўйича ҳисоботида “рақамли саводхонлик “изоляция қилинган технологик кўникмалар”ни эмас, балки рақамли технология ҳақида хабардор бўлган ҳолда улардан янги контекстларга мос равишда фойдалана олиш ва янги ахборот ва мазмунни бошқалар билан ҳамкорликда ўргана олиш кўникмаларини эгаллашдир”, деган таърифни беради. Юзлаб университетлар, коллежлар, тадқиқот институтлари ва марказлардан олинган сўровномага асосланган ушбу ҳисоботда олий таълим тизимида технологияларни кенг қўллаш учун тўсқинлик қилаётган бир неча сабабларни санаб ўтади ва ушбу тўсиқларни бартараф этиш бўйича энг муҳим вазифалар сифатида бугунги кунда олий таълим муассасалари талабаларни нафақат

эгалламоқчи бўлган соҳалари, балки уларда рақамли фуқаролик кўникмаларини ривожлантиришга, онлайн мулоқот этикети, аралаш курсларда (Blended) таълим олиш ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида уларнинг онгини оширишга маъсулликлари қайд этилади. Жумладан, юртимизда олий таълимда фаолият олиб бораётган ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровномадан маълум бўлишича, таълимда рақамли технологияларни қўллашда қуйидаги қийинчиликларга дуч келишган:

интернетнинг ёмон ишлаши;

рақамли технологияларга асосланган машғулот ўтиш учун жиҳоз-техникаларнинг етишмаслиги;

ўқитувчи ва ўқувчиларда рақамли технология саводхонлигининг пастлиги;

рақамли технологиялари техника ва жиҳозларнинг қимматлиги;

талаблар рақамли технологияларни қўллашдаги қийинчиликларни енга олмасликлари;

тажрибаси давомида “оддий” машғулотлар олиб боришгани сабабли рақамли технологиялар ёрдамида дарс ўтишдан қўрқув ва мотивациянинг йуклиги.

Албатта, бу каби муаммолар шу соҳа мутахассислари ва мутассади вакилларнинг ёрдамида бартараф этилиши табиий.

90-йиллардаги таълимни компьютерлаштириш сайи-ҳаракатларидан кейин XXI асрга келиб шунинг англаб етдикки, АКТ – техник масала ёки муаммо эмас, балки таълим ва тарбия билан боғлиқ муаммодир. Рақамли таълимни ривожлантириш орқали икки энг муҳим мақсадга, яъни таълим олиш ва таълим бериш жараёнини такомиллаштиришга ҳамда таълим ресурсларини бойитишга эришишимиз мумкин.

Европа Комиссиясининг олий таълимдаги ислохотларни амалга оширишга қаратилган “Университетларни модернизация қилиш” режалар дастурида Европа Иттифоқига аъзо давлатларда рақамли саводхонликни ошириш бўйича ўқитувчилар ва таълимдаги барча ходимлар учун расмий ва норасмий таълим шакллари ташкил этиш кераклиги таъкидланади ва Европа Иттифоқи мамлакатларида бу борада тадбирлар амалга оширилмоқда:

1. Эдинбург университети дистант таълимнинг ташаббускори сифатида онлайн курслар ташкил этди. Беш йил давомида £5 миллион (€6 миллион) инвестиция ажратиш оқибатида 48 та магистратура ва аккредитациядан ўтган малака ошириш курслари тингловчилари таклиф этилди. Мақсад 10 йил давомида онлайн ва офлайн талабалар сонини тенглаштиришдир.

2. *eCampus* – бу Норвегия Таълим Вазирлиги томонидан илгари сурилган давлат дастури бўлиб, мақсади олий таълимда технологияларни қўллаш орқали таълим бериш ва тадқиқотчиликни ривожлантиришдир. *eCampus* дастури доирасида масалан, 2017 йилга келиб 40% маърузаларни онлайн вариантларда ҳавола этиш режалаштирилган.

3. Швеция виртуал кампус (SVC) дастури – 8 йиллик ташаббус дастури бўлиб, унинг мақсади олий таълимда Е-таълимни илгари суришдир. Ҳозирда давлат бюджетига ОТМларда Е-таълимни интеграциялаш бўйича харажатлар тўлиқ киритилган.



4. 2013 йил сентябрда Уэльс университетлари томонидан қабул қилинган *Очиқ таълим декларациясига* кўра онлайн ресурсларни ўқитувчилар ва талабалар томонидан бутун мамлакат олий таълим тизими бўйича кенг қўлланилиши амалга оширилиши керак.

### ХУЛОСА

Рақамли технологиялар орқали таълим беришга эҳтиёж юкори бўлса-да, уни татбиқ этишда қийинчиликлар хали жуда кўпдир. Бунда таълим тизими билан боғлиқ барча ходимларнинг саводхонлигини талабалар сингари ошириш ва бунинг учун ҳамкорликдаги ҳаракатлар муҳим. Биринчидан, ўқув материаллар ва ўқув дастурларини яратувчилар, ўқитувчилар кўпроқ ташаббус кўрсатишлари, кўрқув, шубҳани енгган ва ўз “комфорт” ҳудудларидан ташқарига чиққан ҳолда таълим беришга янгича ёндашишлари, янги имкониятларни, воситаларни мунтазам қўллашлари керак. Иккинчи тарафдан эса, таълим муассасаси раҳбарлари ўқитувчиларга бу борада нафақат керакли шароитларни яратишлари, балки рақамли ахборот воситаларидан фойдаланишда кўпроқ эркинлик беришлари лозим. Ўқитувчиларнинг бу соҳада кучли мутахассис бўлишлари талаб қилинмайди, бироқ рақамли муҳитдан фойдаланишда муҳим бўлган талаблардан хабардор бўлишлари, амалиётга асосланган тренинглarda ўз малакаларини оширишлари, рақамли технологияларни мунтазам равишда узлуксиз таълим жараёнининг бир қисми деб ҳис этишга одатланишлари рағбатлантирилиши лозим. Олий таълим муассасалари, шу жумладан, бир йўналишдаги таълим муассасалари уларда яратилаётган технологияларни, очик таълим ресурсларини ва бу борадаги лойиҳалари бирлаштиришлари, аралаш курслар ва бошқа таълим технология иловалари учун лицензиялар, патентлар олишда ҳамкорликни орттиришлари мақсадга мувофиқ. Олий таълим муассасалари ривожланиш стратегиялари режасида таълимда рақамли технологиялар ҳамда очик таълимни қўллаш бўйича қисқа ва узоқ муддатли тадбирлар киритилиши ва ушбу ҳаракатларнинг бажарилишига садоқатли ёндашиш ҳам муваффақиятнинг гаровидир.

### REFERENCES

1. Karpati, Andrea. Digital literacy in education. UNESCO Institute for Information Technologies in Education, 2011, pp25-42.
2. New modes of learning and teaching in higher education. Report to the European Commission. 2014, pp10-17.
3. Blended learning. British Council. Workshop for teachers. September, 2018
4. Managing Technology for English Reform in Uzbekistan. British Council. Workshop for teachers by Jeff Stanford, UK consultant. 2019.
5. Christine Redecker, Yves Punie. European Framework for the Digital Competence of Educators. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2017. pp7-25.
6. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2016 yil 30 dekabrda №526 sonli Oliy ta'lim muassasalarida elektron ta'lim tizimga o'quv uslubiy majmualarni kiritishni tashkillashtirish to'g'risidagi buyrug'i.
7. Dr. Safa Nassereldin. Blended learning, online course delivery and MOOC. AIQuds Model for E-learning Management System. HERE, AIQuds University, TAM Tashkent, 2016.